

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 334.012.64. (575.1)*

МУРОДОВА НОДИРА ҚУЛЛИЕВНА

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.01 – “Иқтисодий назария”

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2008

Диссертация иши Навоий Давлат педагогика институтида
бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Наврўззода Бахтиёр Негматович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Вахабов Абдурахим Васиқович;
иқтисод фанлари доктори
Муфтайдинов Қиёмитдин Ҳамдамович.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси

Ҳимоя Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун
диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.15 рақамли Ихтисослашган
кенгашнинг 2008 йил “_____” _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида
бўлади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон
Миллий университети, Иқтисодиёт факультети, 603–хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети кутубхона-
сида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил “_____” _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби иқтисод
фанлари номзоди, доцент:**

Хошимов П.З.

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлигини ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат»¹.

Тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес жамиятда ижтимоий–иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омили эканлиги амалиётда исботланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик бизнес кўп укладли иқтисодиётни яратиш, жамият ижтимоий барқарорлигининг асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қатор ишлар амалга оширилди, яъни: «Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоизга ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айланганлиги эътиборга сазовордир»².

Таҳлилларнинг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қатор муаммолар мавжуд. Ушбу ҳолат кичик бизнес субъектларининг бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мувофиқ ўз фаолиятини ташкил эта олмаганлиги ва хўжалик юритиш самарадорлигининг пастлигида намоён бўлмоқда. Амалиётдан маълумки, самарали фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларигина мамлакатда иқтисодий ўсишга ва бандликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадбиркорлик фаоллиги кичик бизнес самарали ривожланишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Давлат томонидан олиб борилаётган тадбиркорликни ривожлантириш сиёсати кичик бизнеснинг тадбиркорлик фаоллигини оширишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, фаолликни баҳоловчи мезонларни таҳлил этиш, тадбиркорлик фаоллигини бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим дастаги сифатида чуқур тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда.

Юқоридаги вазифаларни ҳал этиш учун кичик бизнес корхоналарининг фаолияти ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш, тадбиркорлик фаоллигини баҳолаш ва истиқболдаги

¹ Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш–барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадимиздир. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007.–Б.49.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007.–Б.40.

ривожланишига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур. Иқтисодий адабиётда кичик корхоналар фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва тадбиркорлик фаоллигини баҳолаш мезонларига бағишланган яхлит илмий ишлар етарли эмас.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнесни ривожлантириш ва улар фаолиятини баҳолаш мезонларига бағишланган қатор хорижлик ва мамлакатимиздаги иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари мавжуд.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти А.Смит, Р.Кантильон, А.Тюрго, Ж.Б.Сей, Р.Хизрич, Й.Шумпетер³ каби таниқли иқтисодчи олимлар асарларида ўрганилган, У.Адамс, Г.Гросс, Ж.Филипс, В.Хойер каби иқтисодчи олимлар тадбиркорлик назариясини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшганлар. МДХ мамлакатлари олимларидан А.И.Агив, В.И.Алехин, А.В.Бусыгин, А.М.Самозкин, С.Ф.Борисов, В.Радаевлар⁴ тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим муаммоларига бағишланган илмий ишлар нашр эттирганлар. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари И.Каримов, А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, С.Фуломов, Ш.Шодмонов, Б.Беркинов, Ё.Абдуллаев, П.Абулқосимов, Б.Наврўззода, М.С.Қосимова., Б.Ҳодиев, К.Муфтайдинов, А.Қулматов⁵ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Шунингдек, иқтисодий адабиётда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичи ҳисобланган тадбиркорлик фаоллиги даражасини ошириш йўналишлари ва тадбиркорлик фаоллигини баҳолаш мезонларини аниқлаш услубиёти ягона модел тарзида тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Илмий муаммо мавзусининг долзарблиги ва илмий–амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Навоий давлат педагогика институти илмий–тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражасини аниқлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: 1976. – 332 с.; Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности. –М.: 1994 – С. 44; Хизрич Р., Питерс М.; Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М: 1993 – 223 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: Мысль, 1982. – 159 с.

⁴ Бусыгин А.В. Предпринимательство. – М.: 1994.- С. 227.

⁵ Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси.Дарслик. -Т.: Мехнат, 1995. - 514 б.; Фуломов С.С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. -Т.: 1996, –320 б.; Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 2007. –137 б.; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. -Т.: Мехнат, 2002. – 215 б.; Наврўззода Б.Н. Маркетинг : Бозорни билиш маҳорати. Ўқув методик қўлланма. Бухоро, 2006.– 174 б.; Ходиев Б., Қосимова М. Тадбиркорлик ва кичик бизнес асослари. -Тошкент, 2004. – 239 б.; Абулқосимов Ҳ. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. –Т.: ТошДУ, 1998. – 87 б.; Муфтайдинов Қ, Йўлдошов Қ. Шарқ иқтисодий тамойиллари тарихи. -Тошкент. А.Қодирий, 2002. – 132 б.; Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. - Тошкент, 2004. – 120 б.

Тадқиқот вазифалари илмий ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хусусиятларини аниқлаш;

- тадбиркорлик фаоллигини бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим дастаги сифатида тадқиқ этиш;

- кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражасини баҳолаш услубиётини ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини аниқлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаоллигини омилли баҳолаш;

- тараққий этган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантириш тажрибасини таҳлил этиб, илғор ва самарали усулларни амалиётда қўллаш йўналишларини аниқлаш;

- мамлакатда кичик бизнеснинг ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболдаги ривожланиши кўрсаткичларини башоратлаш асосида илмий ҳулоса ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Республика, шу жумладан, Навоий вилоятидаги кичик бизнес субъектлари фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Тадқиқот предмети: кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва фаоллигини ошириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар.

Тадқиқот методлари: Тадқиқот жараёнида тарихийлик, тизимли таҳлил, анкета-сўровнома, иқтисодий-статистика, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил ва эконометрика усуллари билан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар: тадбиркорлик фаоллигининг ҳолати ва унинг кичик бизнесни ривожлантиришдаги ўрни хусусидаги илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

- тадбиркорлик фаоллиги иқтисодий категория сифатида тавсифланди;

- тадбиркорлик фаоллиги атамасининг иқтисодий назариядаги ўрни асосланган ва ушбу атамани илмий-иқтисодий муомалага киритиш тавсия қилинди;

- тадбиркорлик фаоллигини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилди;

- кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат: Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

- тадбиркорлик фаоллиги иқтисодий категория сифатида илк маротаба илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

-тадбиркорлик фаоллигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

-кичик бизнес ривожланишининг йўналишлари эконометрик ва социологик таҳлил асосида аниқланган;

-кичик бизнес субъектлари тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида манба сифатида қўлланилиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки диссертациянинг илмий хулосалари ва амалий тавсияларидан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга бағишланган истиқболли, мақсадли дастурлар ва концепцияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Микроиқтисодиёт», «Тадбиркорлик ва кичик бизнес асослари» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг илмий ва амалий таклифлари Навоий вилоятида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази (2006 йил 23 майдаги 01-9-сонли маълумотнома), Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси (2006 йил 13 майдаги 01-566-сонли маълумотнома), Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (2008 йил 7 майдаги АА10-15.343-сонли маълумотнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот натижалари Навоий давлат педагогика институтида «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўқитиш жараёнида қўлланилмоқда, (2008 йил 2 апрелдаги 88-87.244/01-сонли маълумотнома).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий ғоя ва илмий-амалий натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган. Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси (Навоий, 2003). Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш (Бухоро, 2005), Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган Амир Темур фаҳримиз, ғуруримиз (Бухоро, 2006), Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг 100 йиллигига бағишланган Девятнадцатые международные Плехановские

чтения (Москва, 2006), Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни (Тошкент, 2008).

Диссертация иши Навоий Давлат педагогика институти, Самарқанд Давлат университети, Тошкент давлат техника университети бирлашган илмий семинарлари ва Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетининг муаммовий–мувофиқлаштирувчи илмий кенгаши мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни умумий ҳажми 2,5 босма табокдан иборат 12 та илмий ишларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот иши матни 148 бет бўлиб, 22 жадвал, 18 та расмни ўз ичига олади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадбиркорлик иқтисодиёт субъектларининг мавжуд иқтисодий, табиий, меҳнат ва ақлий салоҳиятлардан самарали фойдаланиб юқори пировард натижаларга эришиши билан тавсифланиб, бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок Президентимиз И.А.Каримов «Тадбиркорлик – иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётга олиб боришнинг асосий иқтисодий воситаси, тараққиёт локомотиви»,⁶ – деб дтаъкидлаган эдилар.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёни устун даражада тадбиркорлик фаолиятининг фаоллиги билан белгиланади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишлари ва самарали фаолият юритишлари билан ажралиб турадилар. Кичик бизнес фаолиятини фаоллаштириш тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий моҳиятини чуқур назарий жиҳатдан билиш ва ўрганишга боғлиқдир.

Иқтисодий адабиётдаги илмий қарашларда оригинал ва зиддиятли ҳолатларнинг мавжудлиги туфайли тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Инглиз иқтисодчиси А.Смитнинг фикрича, «тадбиркор - бу қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадидаги иқтисодий таваккалчидир, унинг ўзи ишлаб чиқаришни режалаштиради, ташкил қилади ва натижаларни ўзи тасарруф этади»⁷, - деб таъкидлаб бозор иқтисодиёти шароитида рақобат эркинлигига эътибор беради. Ж.Б.Сэй ўз иқтисодий қарашларида тадбиркорликнинг асосий вазифаси ишлаб

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Тошкент.: Ўзбекистон, 1992. -Б. 78.

⁷ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: 1966. -С. 174, 176.

чиқариш омилларини оқилона бирлаштириш ва комбинациялашдан иборат эканлигига эътибор қаратган. Унинг фикрича, «тадбиркор ишлаб чиқариш доирасида бошқа инсонлар фаолиятини ташкил этади»⁸.

Тадбиркорлик назариясининг шаклланиши ва ривожланишига таниқли австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетер катта ҳисса қўшган. Унинг назариясига кўра, «Тадбиркорлик – яратувчанлик, янгиликни излаш демакдир».⁹ У тадбиркорликнинг вазифаси янги ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги хом-ашё турларини ўзлаштириш ва янги бозорларни топиб, товарларни сотишдан иборат, дея изохлайди.

Бизнинг фикримизча, келтирилган назарий қарашларда тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни етарли даражада ёритилмаган. Бунда асосан тадбиркорликнинг амал қилиш белгилари, тадбиркорнинг вазифаси турли бозорларда мувозанатли ҳолатни таъминлашдан иборат, деб ҳисобланган.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар, «Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилидир»¹⁰, - деб таъкидлаб, шунингдек, тадбиркорлик шунчалик бир фаолият эмас, балки даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият бўлиб, агар у фаоллашмаса иқтисодий ўсиш рўй бермаслигини асослайдилар ва улар айнан тадбиркорликнинг сифат жиҳатига эътиборни қаратадилар. Ш.Шодмонов «Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолиятдир», - деб таъкидлайди.¹¹ Ҳ.Абулқосимов эса тадбиркорликни «Қонун йўли билан ман қилинмаган... иқтисодий унумли фаолият тури»¹², - деб таърифлайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини очишда Қ.Муфтайдинов томонидан берилган таъриф ўзига хослиги ва кенг қамровлиги билан ажралиб туради. «Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида иқтисодий маховик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди»¹⁶, - деган ғояни илгари суради.

Ушбу таърифда муаллиф бошқалардан фарқли ўлароқ тадбиркорликка иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаши, унинг самарадорлиги

⁸ Сэй Ж.Б. Троктан политической экономии. – М.: Экономика. 1980. -С. 17.

⁹ Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: 1982. – С. 48.

¹⁰ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Тошкент.: Мехнат, 1995. –Б. 192.

¹¹ Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. - Т.2007.-Б.137.

¹² Абулқосимов П., Қулматов А. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият.//Иқтисод ва ҳисобот. –1997. № 9. –Б.9.

¹⁶ Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. - Тошкент, 2004. -Б. 18.

эса турли механизмлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ эканлигига алоҳида урғу бермоқда.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорликнинг ўз иқтисодий табиати мавжуд бўлиб, ушбу мавжудлик унинг икки томонлама хусусиятида намоён бўлади: бир жиҳатдан тадбиркорлик мулкчилик сифатида бўлса, иккинчи томондан, тадбиркорлик хўжаликни оқилона юритиш ва бошқаришдир.

Ўтказилган тадқиқотлар ва илмий таҳлилларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, тадбиркорлик: бир томондан, тадбиркор мулкчилиكنинг турли шакллариغا асосланган ҳолда, ўз мулкидан капитал сифатида фойдаланиб, тижорат билан шуғулланиб, янги усул ва юқори технологияларни қўллаган ҳолда бойликдан бойлик орттиради. Бу эса, ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширади.

Иккинчи томондан, ушбу усулни амалга ошириш устун даражада тадбиркорнинг ташкилотчилик даражасига боғлиқ бўлади. Тадбиркорнинг даромад олиши ва миқдори товарларга бўлган талаб билан узвий боғлиқ. Тадбиркорнинг бозорда ўз ўрнини топа олиши ва муваффақиятга эришиши маркетинг тадқиқотларини ўтказишдаги фаоллик, ташаббускорлиги даражасига бевосита боғлиқдир.

Таҳлилларимизга асосланиб, тадбиркорликка қуйидагича таъриф берамиз: тадбиркорлик иқтисодий категория сифатида мулкчилиكنинг турли шакллариغا ва янги технологияга асосланган даромад орттиришнинг ташаббусли фаолияти бўлиб, у бозор шароитида ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро оқилона алоқадорлигини таъминлаш эвазига хўжалик фаолиятини юритиш ва бошқаришда бозор иқтисодиётининг муҳим дастаги сифатида амал қилади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик маълум бир давлат ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати йўналишларига ҳам боғлиқдир. Ушбу хусусиятлар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида қуйидагиларда ўз аксини топмоқда: биринчидан, иқтисодиётда мулкчилиكنинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес, деҳқон, фермер хўжаликлари, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари каби шакллариининг устувор ривожланиши тақозо этилаётган бўлса, иккинчидан, тадбиркорликнинг хўжалик юритиш нуқтаи-назаридан бозорни тадқиқ қилиш ва фаолиятини оқилона юритиш ва бошқариш масалалари долзарб эканлиги намоён бўлмоқда.

Халқнинг турмуш фаровонлигини оширишда маҳаллий ва ички бозорни истеъмол товарлари билан таъминлашнинг, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда кичик бизнес фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорлик қанча ривожланса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунчалик ривожланади. Шунинг учун ҳам XXI асрда тадбиркорлик субъектларининг фақат сон

жиҳатидан ўсишига эмас, балки, сифат жиҳатидан ортишига эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги сабабларга кўра услубий жиҳатдан тадбиркорлик фаолиятининг ислохотлар жараёнида фаоллашувини тадқиқ этишни «фаолият ва фаоллик», «ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилияти», «меҳнат унумдорлиги ва тадбиркорлик фаоллиги» тушунчаларини таҳлил этишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Улар моҳиятан бир-бирини тўлдиради ва яхлит механизм бўлиб ҳаракатга келади.

Ушбу иқтисодий тушунчалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида моҳияти жиҳатидан алоҳида хусусиятга эга эканлиги ва тадбиркорлик фаоллиги янги атама сифатида реал воқеликда намоён бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунини таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолиятида ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилияти омилларининг салоҳияти, тафаккур тарзи ва улуши мустақил намоён бўлади. Корхонанинг тадбиркорлик фаоллиги ташқаридан жалб қилинадиган пул тушумлари ва даромадларга нисбатан самаралироқ бўлишини тақозо этади. Тадбиркорлик фаолиятининг ижобий самараси шу соҳада банд бўлган аҳолининг даромадлари миқдори ва турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатадиган омилдир. Бозор иқтисодиётида ишчи кучининг қиймати юқори унумдорлик билан фойдаланадиган иш жойига кўчириш имконини берадиган «кўринмас қўлга» айланади.

Фикримизча, тадбиркорлик фаоллиги муайян мақсадга йўналтирилган ҳаракат бўлиб, объектив ва субъектив омиллар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Ишчи кучининг қўнимлилиги корхонанинг тадбиркорлик фаоллиги даражасига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш тузилмасини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда ўзгартириш бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан биридир.

Меҳнат фаолиятининг моҳияти ва тадбиркорлик фаолиятини тадқиқ этишда уларнинг умумийлик томонларига ва улар орасидаги тафовутни ажратиш лозим. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик қобилияти ва тадбиркорлик фаоллиги тушунчаларининг умумийлиги шундаки, «қобилият» ва фаоллик тадбиркорлик фаолиятида бир-бири билан уйғунлашади. Биринчидан, тадбиркорлик билан қобилиятга эга инсон шуғулланади, иккинчидан, таваккал фаолият бошлаган тадбиркор мавжуд имкониятдан самарали фойдалансагина ижобий натижага эришади. Юқоридаги икки тушунча ўртасидаги фарқнинг асосини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланаётган меҳнат ресурсларининг икки ҳолати: биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланадиган инсоний ресурслар; иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган инсоний ресурслар ташкил этади.

Қўлланадиган инсоний ресурсларни ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилияти ташкил этса, истеъмол қилинадиган инсоний омилни эса меҳнат

ва тадбиркорлик ташкил этади. Ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятини ишлаб чиқариш учун қўллашда яроқлилиги билан, меҳнат ва тадбиркорлик эса ишлаб чиқариш жараёнида янги истеъмол қиймати яратиши билан тавсифланади. Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлиги ҳисобидан тадбиркорлик фаоллигига эришилади. Ресурсларнинг самарадорлиги корхона даражасида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш жараёнида инсоний омиллар самарадорлиги уч босқичда шаклланган пирамидани ҳосил қилади.

Ўз-ўзидан меҳнат фаолияти ва тадбиркорлик фаолияти тушунчаларининг фарқи яққол намоён бўлади. Ушбу категорияларнинг тафовут жиҳатлари уларнинг иқтисодий негизидадир. Биринчидан, ишчи кучини истеъмол қилиш меҳнат ҳисобланса, тадбиркорлик қобилиятини истеъмол қилиш - тадбиркорликдир. Иккинчидан, меҳнат барча мулк шаклига, шу жумладан, давлат мулкига дахлдор бўлса, тадбиркорлик хусусий ва акциядорлик асосида шаклланган мулк турлари негизида эркин ривожланади. Учинчидан, меҳнатдаги эркинлик фақат инсоннинг ўзига нисбатан, тадбиркорликда эса инсонга ва фаолиятга нисбатан қўлланилади.

Инсонларга қонун доирасида берилган иқтисодий фаолият эркинлиги ўз самарасини беради. Бунинг натижасида оила, жамоа ва давлат бойлиги ортиб боради. Бунинг учун тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик фаоллиги тушунчалари бир-бирига мутаносибликда бўлиши керак. Чунки тадбиркорлик фаоллиги фаолиятнинг сифат даражасини белгилайдиган мезондир. Кичик бизнес фаолиятини фаоллаштирмай туриб, ишлаб чиқаришни бозор иқтисодиёти талаблари даражасида такомиллаштириб бўлмайди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги «Вақт, замон ҳар нафасдан огоҳ бўлиш, уни назорат этиш»¹⁴ гўё бугунги кун тадбиркори учун айтилгандек.

Кичик бизнеснинг ўзига хос бўлган хусусияти шундаки, меҳнат фаолияти давомида ишлаб чиқариш омиллари бир-бири билан узвий боғланиб хўжаликни самарали юритиш ва оқилона бошқаришга қаратилади. Ушбу ҳолатнинг икки жиҳати мавжуд бўлиб, бир томондан самарали тадбиркорлик фаолияти корхонани истикболли даражага кўтариши, иккинчи ҳолатда эса корхонанинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши мумкин.


Фикримизча, тадбиркорлик фаоллиги тадбиркорлик билан шуғулланиш жараёнида бозор муҳитининг ўзгарувчанлик хусусиятига мослашиш, мавжуд ақлий, моддий, молиявий, ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланишдир. Тадбиркорлик фаоллигининг миқдорий пировард натижаси бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилишидаги эришилган меҳнат унумдорлиги

¹⁴ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. -Тошкент, 2002. –Б. 13-14.

даражаси ва маҳсулотни сотилишидан олинган фойда миқдори ҳамда эришилган самарадорликда намоён бўлади. Иқтисодий адабиётда тадбиркорлик фаоллиги тушунчаси етарли даражада ўрганилмаган бўлиб, мавжуд манбаларда унинг айрим жиҳатлари берилган ҳолос.

Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги ушбу фаолиятнинг мақсади ва эришилган натижалари ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Ушбу алоқа кичик бизнес субъектининг режалаштирилган ҳатти-ҳаракатлар билан амалга оширишдаги даражаси орқали изоҳланади. Биринчидан, рақобат муҳитини яхшилаш бўйича аниқ ҳатти-ҳаракатлар режасининг тузилиши, иккинчи томондан, тадбиркорлик фаолияти пировардида ижобий натижаларга эришиш имконини беради. Ягона режа, стратегия, мақсад ва салоҳиятга эга бўлган тадбиркорликда турли хил фаоллик туфайли турлича натижаларга эришилади. Бу эса тадбиркорлик фаоллигида ягона бошланғич шарт-шароитларда турлича натижаларга эга бўлишни изоҳлайди (1-расм).

Кичик бизнеснинг фаол ва нофаол кўрсаткичлари¹⁵



1-расм.

Кичик бизнес (КБ) фаолиятининг вазифаси фойда олиш, юқори рақобатбардошликни таъминлаш, хўжалик юритишни такомиллаштириш ва кенгайтиришга эриша олишга асосланади. Ривожланаётган бозор шароитларида тадбиркор ўзининг бўлажак фаолиятини танлашда бозор

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилди.

фаолияти ва ундаги ўзгаришлари тажрибаларига амал қилади, акс ҳолда, фаолияти самарасиз якунланади. Бундай ҳолат кичик бизнес фаолиятининг нофаоллиги билан тавсифланади.

Пировард натижада муайян бир тадбиркорлик фаолиятининг бозор тизимидаги мавқеи ва бозордаги фаоллик кўрсаткичларини баҳолаш имконияти туғилади.

2–расмдан кўриниб турибдики, ҳар бир кўрсаткичнинг ўзи қатор ташқи ва ички омиллар таъсирида мунтазам равишда ўзгариб туради. Ушбу ўзгаришларнинг ижобийлиги ёки салбийлигини уларнинг кичик бизнес тадбиркорлик фаоллигига таъсир доирасини баҳолаш учун маълум мезонлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу ёндашув кичик корхоналарнинг самарадорлигини ошириш ва бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий нуфузини оширишга қаратилган маркетинг тадбирларини олиб бориш орқали корхона фаолияти нуфузи тўғрисида аниқ маълумот олиш имкониятини беради.



2-расм.

Корхонанинг ижтимоий нуфузи деганда, унинг ўз манфаатлари учун эмас, балки жамоатчилик ва истеъмолчилар манфаатлари, ҳудуд ва бошқа ижтимоий манфаатларини инобатга олган ҳолда, иқтисодий фаолият кўрсатиши, иқтисодий нафлилиги назарда тутилади. Корхоналарнинг иқтисодий нафлилиги деганда эса, мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш эвазига кўрадиган даромади ҳисобидан турли эҳтиёжларни қондира олиш хусусияти тушунилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларга асосланиб, биз кичик бизнес субъектлари фаолиятининг сифат даражаларини, уларнинг иқтисодий нафлилик ҳолати ва даражасини миқдорий ўлчаш йўли билан аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фаолиятни юритиш ва бошқаришда мавжуд кўрсаткичлардан фойдалана олиш хусусияти ва эҳтиёжларнинг

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилди.

қондирилиши кўлами бўйича корхоналар даромадларини қуйидаги иқтисодий нафлилик ҳолатига қараб ажратамиз:

- иқтисодий ночор фаолият;
- корхона эгасининг манфаати даражасидаги нафлилик, яъни иқтисодий етук фаолият;
- корхона эгаси ва ёлланма ишчилар манфаати даражасидаги нафлилик, яъни иқтисодий ривожланган фаолият;
- ижтимоий нафлилик, яъни истиқболли фаолият;
- қўшилмаган нафлилик, яъни ноқонуний тадбиркорлик йўли билан олиб борилган фаолият.

Ҳар бир эришилган даражанинг ўзига хос бўлган таснифлари мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес фаоллигини оширишда таҳлилий-меъёрий кўрсаткичлар орқали фаолиятнинг мезони сифатида баҳолаш имконини беради (1-жадвал).

Ушбу таклиф этилаётган услубиёт орқали корхоналарнинг нафлилик даражаси аниқланиб, улар фаолиятига баҳо берилади. Бу эса, корхоналарни рейтинг даражасида гуруҳлашга асос бўлиб, шунга мувофиқ чора-тадбирлар тизимини шакллантиришга имконият яратади. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражасини баҳолаш ва таҳлил этишга бўлган эҳтиёжни вужудга келтирди.

1-жадвал

Бунда: ТФ - корхонанинг тадбиркорлик фаоллиги даражаси;
 Д - корхонанинг йиллик даромади;
 $X_{ох}$ - корхонанинг доимий харажатлари;
 X_{yx} - корхонанинг ўзгарувчан харажатлари.

Кичик корхоналарни ушбу тарзда гуруҳларга ажратиш ресурслар исрофгарчилигининг олдини олишга, бозор тизими жараёнида кўплаб муаммолар, қийинчиликлар ва аҳолининг табақаланишида ижтимоий масалаларни ҳал этишда иқтисодий дастак вазифасини бажаради. Шу боис, корхоналарнинг нафақат иқтисодий асосларини, шу билан бирга, маънавий, ҳуқуқий томонларини мустахкамлаб бориб, уларнинг иқтисодий нуфузини оширишга эришиш зарур. Корхоналарнинг иқтисодий нуфузи қанча баланд бўлса, иқтисодий ислохотларнинг самараси шунча унумли бўлади. Бизнинг назаримизда, тадбиркорликнинг микдорий ўлчов мезонлари ва сифат даражалари кичик корхоналарнинг тадбиркорлик фаоллигини аниқлашда муҳим назарий асос бўла олади.

Тадбиркорлик фаоллигини ошириш объектив зарурат эканлигини иккита талаб: биринчидан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ижтимоий бойлик ва турмуш даражаси, маълумот ва маданий савия ўсиши натижасида инсонларнинг эҳтиёжи доим кенгайиб бориши бўлса,

иккинчидан, техника-технологиянинг ривожланиш жараёнида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, маҳсулот сифатининг юқори бўлишини фақат инсонлар учун тегишли шарт-шароит яратилгандагина таъминлаш мумкинлиги тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланиб, тадбиркор шаклида мулк эгасига айланади. Биз, шу сабабдан, тадбиркорликнинг фаоллашувига таъсир этадиган инсон омилини иқтисодий нуқтаи-назардан ўрганиб чиқишни тўғри йўл деб ҳисоблаймиз. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг инсоний омили сифатидаги тадбиркорлик қобилиятининг шаклланиши ва уни ишчи кучидан ажралиб айирбошлаш предметиға айланади. Инсонни иқтисодий субъект тарзидаги қиёфаси тўртта даражада шаклланади: ишчи кучи сифатида, аниқ меҳнат субъекти сифатида, тадбиркор сифатида, менежер сифатидаги инсон қиёфасида.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, кичик бизнеснинг самарали ривожланишиға эришиш учун зарур тадбиркорлик фаоллиги таъминланишининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш зарур. Фикримизча, тадбиркорликнинг ривожланишиға таъсир қилувчи бешта омил мавжуд, шу жумладан, рўйхатдан ўтказиш, давлат назорати, банклар, солиқлар, экспорт-импорт. Ушбу жараёнларнинг мукамал равишда амал қилиши тадбиркорликни ривожлантиради ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш имконини беради. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор иқтисодиёти институтлари фаолиятларининг қанчалик такомиллашиб бориши тадбиркорлик фаолиятида юзаға келиши мумкин бўлган муаммо ва қаршиликларнинг камайишиға хизмат қилади. Бундай институтларнинг фаолиятлари тадбиркорлик фаоллигини ошириш имконини берадиган механизм бўлиб ҳаракатға келади. Бизнеснинг муваффақияти устун даражада, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шакллари ривожлантиришға боғлиқ.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари даражасига яқинлашиб бораётганлиги ушбу соҳаға жиддий эътибор ва фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигидан далолат беради (2-жадвал). Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш муаммоси ҳал этиб борилмоқда. Тадбиркорлик ривожланиши жараёнида жамият аъзоларининг даромадлари оширилиши учун моддий асос яратилди. Масалан, 2000 йилда кичик бизнес томонидан 302000 янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2007 йилда ушбу кўраткич 513700 тани ташкил этди. Республикамизда яратилаётган янги иш ўринларининг 90 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчиларнинг умумий бандликдаги улушини ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига таққосласак, умумий бандликдаги улуши Францияда

56,6%, Буюк Британияда 55,0%, АҚШда 50,1%, Канадада 47,1%, Ҳиндистонда 45,0% каби ривожланган мамлакатлари¹⁷ даражасидан ҳам юқориюқ яъни, 72,3% га эришилгани кичик бизнеснинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни юқори эканлигини кўрсатмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес корхоналарининг ривожланиш кўрсаткичлари¹⁸

№	Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2007 й.	2007 йилда 2000 йилга нисбатан, %да
1	Рўйхатга олинган КБ корхоналари сони (минг бирликда)	142,9	308,7	422,3	295,5
2	КБ соҳасида банд бўлганлар сони (минг киши ҳисобида)	4462,7	6679,0	7762,18	173,9
3	КБ соҳасида банд бўлганларнинг умумий бандлар сонидаги улуши, (фоизда)	50,0	65,5	72,3	-
4	КБ бизнес корхоналарини ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги солиштира салмоғи, (фоизда)	31,0	38,2	45,7	-
5	КБда янгидан яратилган иш ўринлари сони, (минг бирликда)	302,0	434,2	513,7	130,0
6	Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган КБ субъектлари	7,0	10,3	16,2	231,4
7	КБ субъектларининг умумий экспорт ҳажмидаги улуши, (фоизда)	12	6,0	14,8	-

Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришдан кўзланган мақсад унинг ЯИМдаги ҳажмини ошириш баробарида аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг ЯИМ даги улуши тараққий этган давлатларнинг кўрсаткичларидан 45,7% паст эканлигини кўрсатмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётганига қарамасдан, яратилган имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 16,2 бирлик кичик бизнес корхонаси тўғри келса, Европа Иттифоқи давлатларида аҳолининг ҳар 1000 нафарига 37-46 бирлик кичик корхона тўғри келади. Демак, республикаимизда корхоналар сонининг ўсишига қарамай, ҳали уларнинг тараққий этган мамлакатлар даражасига етмаганлигини кўриш мумкин.

Кичик бизнес субъектларини тармоқ таркибидаги улушида ўзгариш юз бермоқда. 2000 йил жами кичик ва хусусий корхоналарнинг 47,5%

¹⁷ Кичик корхоналар вакиллари Олтинчи бутун Россия конференцияси материаллари. 2006 йил март <http://www.gate.wy/uz>

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2007 йилда ушбу кўрсаткич 95,6% га етди. 2000-2007 йилларда саноатдаги кичик ва хусусий корхоналар салмоғи 12,9%-10,0% гача, савдо ва умумий овқатланишда 34,4%-22,4% гача, қурилишда 7,7%-5,4% гача пасайган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуши 23,5%-56,2% га ўсди.

Янгидан ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги 68,6 %, савдо ва умумий овқатланиш 13,9 %, саноат 6,0 % ва қурилиш 4,3% соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Кичик бизнеснинг техник жиҳозланиш даражаси, унинг таркибий тузилмаси ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланган саноат соҳасидаги ўрни паст даражада 12,9% сақланиб турибди. Ушбу ҳолат Фарғона 7,3%, Андижон 4,7%, Навоий 1,8%, вилоятларида яққол кўзга ташланади. Хусусан, Навоий вилояти иқтисодиёт тармоқларида республика миқёсидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин, яъни, қишлоқ хўжалигидаги кичик бизнес фаолиятининг улуши 2007 йилга келиб 98,2% ни ташкил этиши ҳудудда ушбу соҳани ривожлантириш имкониятининг мавжудлиги билан изоҳланса, савдо кўрсаткичининг пасайиши чакана савдо айланмасининг мувофиқлашув ҳолати билан изоҳланади.

Бизнинг назаримизда, бундай тенденциянинг вужудга келиши сабаби, рўйхатга олинган корхоналарнинг 90 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келса-да, унинг асосий 94 фоизини микрофирмалар ташкил этади. Иқтисодиётдаги жами бандлилик даражасининг 72,3% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига тўғри келсада унинг асосий қисми 53,1% хусусий секторда фаолият юритади. Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида ташкил этилаётган корхоналар салмоғи 68,6%, саноатда ташкил этилаётган кичик корхоналар салмоғи 6,0% атрофида сақланиб қолмоқда. Тармоқлар таркибининг ушбу ҳолати кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушида саноат маҳсулотларининг пастлиги билан белгиланади. Иккинчидан, давлат мулки таркибида йирик саноат корхоналари салмоғининг юқорилиги билан бегиланади.

Шу боис, кичик бизнесни ривожлантиришнинг мақсадли ҳудудий дастурини минтақа хусусиятига мос равишда ишлаб чиқиш ва унда йирик корхоналар билан кичик бизнес субъектларининг ўзаро интеграциясига эришишда йирик саноат корхоналари таркибида кичик бизнес субъектларини ташкил этишни режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг ҳолати ва истикболларини аниқ баҳолашда анкета-сўровнома маълумотлари муҳим ахборот манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш ва унинг фаоллигини оширишни омилли баҳолаш бўйича сўровнома ўтказилди. Тадқиқотнинг асосий вазифалари кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни, аҳолининг тадбиркорликка бўлган мойиллиги ва қарашларини аниқлаш ва маълумотлар орқали таҳлил қилиш асосида кичик бизнеснинг

тадбиркорлик фаоллигини янада ривожлантириш учун истиқболли режалар тузишдан иборатдир.

Кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, келгусида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёки айти пайитда тадбиркорлик билан бевосита шуғулланаётган сиртки бўлим талабалари ўртасида танлама-кузатув асосида сўровнома ўтказилди. Жумладан, сўровномадаги «Сизнингча, тадбиркорлик, қандай тавсифланади?», – деган саволга берилган жавоблар вариантлари таҳлилига кўра, кичик корхона раҳбарлари томонидан кўшимча маблағ топиш (40%), фермер хўжаликлари раҳбарлари бойликка интилиш (54%), деб тафсифлайдилар.

Тадбиркорликнинг бойлик жамғариш мақсадида тижорий фаолият сифатида баҳоланиши юқори кўрсаткични ташкил этган. Замонавий тадбиркорликнинг ҳаракати фақат иқтисодий мақсадлар билан чегараланмайди ва жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги ўз ҳиссаларини қўшиш жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаоллиги ўзига хос омиллар таъсирида содир бўлади. Ваҳоланки, барча соҳаларда ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса ижобий натижаларга эришилади. «Бу борадаги бизнинг доимий вазифамиз-мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш, 2007 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45% га, 2010 йилда эса 50-52 % га етказишдан иборат».¹⁹

Бизнинг инерцион-даврийлик ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб республика бўйича кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1% га етказиш учун кичик тадбиркорлик субъектлари йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5% дан кам бўлмаган даражаси таъминласа, ушбу кўрсаткичга эришиш мумкин. Мамлакатимизда 2000-2007 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ЯИМнинг бир йилдаги ўсиши 1,8% га тўғри келганини кўрсатди.

Республикаимиздаги корхоналарнинг ЯИМдаги улушини ошириш учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш борасидаги ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасидан мамлакатимизнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, Италия иқтисодиётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарини технологик жиҳатдан бирлаштиришнинг ташкилий шакли²⁰ «констелляция»²¹нинг аҳамияти алоҳида эътироф этилади. Бунда бир-бирига боғлиқ бўлган мураккаб, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда чекланган миқдордаги кичик

¹⁹ Каримов И.А. Мамлакатимиз таракқиёти ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш–барча демократик янгилашни ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадимиздир. -Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007. –Б. 52.

²⁰ www.businesspress.ru/newspaper/artilce_aId_342299.html.

²¹ “constellazione” – юлдузлар туркуми демекдир.

корхоналар ўзаро бирлашиб фаолият юритади. Бундай ташкилий шаклда бирлашган кичик корхоналардан бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини бажарса, бошқалари технологик жараён учун масъул бўладилар, баъзилари эса, савдо билан шуғулланадилар. Натижада, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш муаммоси ҳал бўлади, ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгайди. Бундай жараёнда етакчилиқни констелляцияда охириги босқичдаги ишларни бажарадиган корхона амалга оширади.

Мамлакатимиз иқтисодийтини яқин келажакдаги ривожланиши асосан кичик бизнес субъектларининг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди. Мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва тақсимотнинг миқдорий жиҳатдан ёритилишида эконометрик усулнинг қўлланилиши кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқлик қонунияти мавжудлигини аниқлашга имкон беради.

Эконометрик регрессия тенгламаларининг эгилувчанлиги экзоген ўзгарувчиларининг турли комбинациялари орасидан чегаравий башорат қийматлари чекланмайдиган ва натижалар яхши иқтисодий талқинини берадиган турини танлаб олиш имконини беради. Шу боис, ушбу тадбиркорликнинг ривожланиш дастурлари ва прогнозининг ишлаб чиқилиши, ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш имконини беради (3-жадвал). Эконометрик таҳлил натижалари орқали республикада кичик бизнес ривожланишининг истиқбол кўрсаткичлари аниқланди.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони яратилаётган янги иш ўринларининг ўзгариши республика аҳолиси сони ва кичик бизнесда банд бўлган аҳолининг моддий манфаатдорлиги ўртача маош кўрсаткичига боғлиқ. Бундай моддий манфаатдорлик республика ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини ўсиб боришига таъсир кўрсатади. Бунда, тақсимот муносабатларини такомиллаштириш, кичик бизнесда банд бўлган аҳолининг даромадларини ўстириш ва уларнинг рағбатлантирувчанлик ролини ошириш мутаносибликни таъминлайди.

3-жадвал

Республикада кичик бизнес ривожланишининг истиқбол кўрсаткичлари²²

№	Кўрсаткич номи	1997 й.	2007 й.	2010 й.	2015 й.
1.	Республика аҳолиси, минг киши*	23137,9	26800,6	27899,5	29763,8
2.	КБ субъектлари сони: **	101497	351986	432929	552408
3.	КБ субъектларининг ЯИМдаги улуши, фоизда: ***	27,9	45,7	51,9	59,1
4.	Янги иш ўринлари сони: ****	217600	513770	724495	1141930

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

$$* \text{ PAC}(t) = 22771,64 + 366,276t; t=\text{вақт (1 дан 19 гача)} \quad R^2=98,04\%$$

$$** \text{ KBC}(i) = -1387234 + 65,24 \text{ PAC}(i) \quad R^2=83,29\%$$

$$*** \text{ KBJIM} = (t)24,887 + 1,643 * t \quad R^2=93,58\%$$

$$**** \text{ ЯИЎ } y = 202649e^{0,091x} \quad R^2=93,55\%$$

Фикримизча, кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг йўналишларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) тадбиркорлик имкониятларини ишга соладиган йўналишлар; б) бизнес фаолияти натижаларини яхшилашга қаратиладиган йўналишлар.

Биринчи гуруҳ йўналишлари қуйидагилардан иборат: кичик бизнеснинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асосларини иқтисодиётда турли омиллар таъсирида рўй бераётган ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бориш, давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш механизмлари самарадорлигини ошириш; бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни амалиётда қўллаш, кичик бизнесни молиявий жиҳатдан таъминлашдаги механизмлар самарадорлигини ошириш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб этиш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш; кичик бизнесни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш ва кичик бизнес соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, кичик бизнесда кооперацияни чуқурлаштириш.

Иккинчи гуруҳ йўналишларига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: кичик бизнесда менежмент сифатини яхшилаш, корпоратив бошқарув тизимини қўллаш, кичик бизнес субъектларининг инновацияларини яратиш ва ўзлаштиришга мойиллигини ошириш; маркетинг усулида хўжалик юритишни йўлга қўйиш, инсоннинг тадбиркорлик қobiliятини шакллантириш ва ривожлантириш, фойда ҳисобидан бизнес қийматини кўпайтириш эвазига янги ишчи ўринларини яратиш; маҳсулот (иш, хизмат) сифатини яхшилаш, кичик бизнесда ишлаб чиқаришнинг ташкил этишнинг моддий таъминотини такомиллаштириш, таваккални олдини олиш ва суғурталашни йўлга қўйиш орқали кичик бизнес субъектларининг ижтимоий нафлилик даражасини ошириш, ишчи–ходимларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш; корхона жойлашган ҳудудни инфратузилмасини ривожлантиришга ҳисса қўшиш; тадбиркорликни электрон бизнес кўникмаларини ривожлантириш.

3. ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар ва таклифлар қуйидагилардан иборат:

1. Миллий иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг ўрни ва аҳамияти соҳани ривожлантириш учун қўйилган барча вазифалар ва талабларни амалга ошириш борасида фаолиятнинг сифат даражасига

эришиш орқали тўлиқ намоён бўлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг ўзаги ҳисобланган ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши ва ривожланиб бориши маънавий ҳаётимиз тарихида мавжуд бўлган юксак ахлоқий ғояларга таянганлигидан далолат беради.

2. Тадбиркорлик фаоллиги – бу тадбиркорларнинг бозор муҳитининг ўзгарувчанлик хусусиятига мослашиб, мавжуд ақлий, моддий, молиявий, ташкилий имкониятларидан фаолият жараёнида тўлиқ фойдаланишидир. Тадбиркорлик фаоллиги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий категория сифатида намоён бўлади ва иқтисодиётни ривожлантиришда реал иқтисодий воқеликни ифода этади. У тадбиркорликни ҳаракатлантирувчи дастаги вазифасини бажаради.

3. Тадбиркорлик фаоллигини оширишда фаолиятнинг нафлилик меъёрлари ва иқтисодий нафлилик ҳолатлари (нафсизлик, хусусий, жамоавий, ижтимоий ва қўшилмаган нафлилик) тадбиркорлик фаолиятининг сифат даражаларига (заифлик, етуклик, ривожланган, истикболли ва номукамал фаолият) мос келишига асосий мезон сифатида қаралиши зарур.

4. Кичик бизнес фаолиятининг ривожланишига таъсир қилувчи бешта асосий жараён узвийлигида намоён бўлади: давлат назорати асосида давлат ва бизнес манфаатларининг мувозанатлашуви, рўйхатдан ўтказишнинг содда ва тушунарли бўлиши, солиқ қонунчилигининг барқарорлиги, банкларнинг имтиёзли кредитлар билан таъминлаши, самарали экспорт-импорт жараёни.

5. Тадбиркорлик фаоллиги иқтисодий эркинлик, сиёсий барқарорлик, ҳуқуқий асосланган, институционал таъминланган шароитда юзага келади. Фаолиятни тавсифловчи асосий эндоген (натижавий) кўрсаткичининг экзоген (ўзгарувчан) кўрсаткичларига боғлиқлик қонуниятларини эконометрик таҳлил асосида аниқлаш мумкин бўлади.

Шунга мувофиқ, қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

- Республикаимизнинг барча вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан йилига бир маротаба кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини белгиланган тартибда гуруҳланган рейтинг тизими орқали аниқлаб бориш ;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорларнинг «Ташаббус-2009» (ва кейинги йилларда) кўрик танлови босқичида «Энг фаол ижтимоий-иқтисодий нуфузли тадбиркорлик субъекти» номинациясини жорий этиб, диссертацияда тавсия этилган усул бўйича ғолибларни танлаб, тақдирлашга тавсия этиш;
- кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражасини гуруҳланган рейтинг жадвали бўйича аниқлаш асосида уларнинг ривожланиш истикболларини белгилаш ва қўллаб-қувватлаш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- солиқ имтиёзларини жорий этишни кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги ва уларнинг ижтимоий нуфузи ҳолатига кўра тадбиқ этиш;
- Ўзбекистон шароитида Италияда ижобий натижа берган турли соҳаларда фаолият юритувчи технологик жиҳатдан бирлаштиришнинг констелляция усулини жорий этишда, корхоналарнинг рейтинг даражасига қараб бирлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг республика ва вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ялпи ҳудудий маҳсулот ва аҳоли бандлиги даражасига таъсир доирасини эконометрик таҳлил усулида тадқиқ қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

4.ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Муродова Н. Тадбиркорлик фаоллиги иқтисодий атама сифатида.//Бухоро университети илмий ахборотномаси. -Бухоро. 2003. №1. -Б. 53-54.

2. Муродова Н. Тадбиркорлик фаоллигини баҳолаш кўрсаткичлари (Навоий вилоят мисолида).//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Тошкент. 2004, №7,8.- Б. 52-53.

3. Муродова Н. Иш билан бандликда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти (Навоий вилояти мисолида).//Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2004. № 12. -Б. 24-25.

4. Муродова Н. Тадбиркорликни ривожлантириш босқичлари.//Минтақавий агросаноат мажмуи хизмат бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Бухоро, 2005. - Б. 172.

5. Муродова Н. Амир Темур иқтисодий сиёсатида тадбиркорликнинг асосланиши.//Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган Амир Темур - фахримиз, ғуруримиз мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Бухоро, 2006. -Б. 42-44.

6. Муродова Н. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш.//XXI илмий-амалий конференцияси материаллари. -Навоий, 2006. - Б.31-32.

7. Муродова Н. Предпринимательская активность предприятия: сущность и критерии.//Девятнадцатые международные Плехановские чтения: Тезисы докладов международной научной конференции. - Москва, 2006. - С.286.

8. Муродова Н. Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни.//Кичик бизнесни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш аҳоли бандлигини таъминлашнинг

муҳим шартидир. Республика илмий-амалий конференцияси. -Тошкент, 2008. -Б.423.

9. Муродова Н. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражасини баҳолаш услубиёти.//Иқтисодиёт ва таълим. -Тошкент, 2008. №1. -Б.42-46.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Муродова Нодира
Қуллиевнанинг 08.00.01.-«Иқтисодий назария» ихтисослиги бўйича
«Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш
йўналишлари» мавзусидаги диссертациясининг**

Р Е З Ю М Е С И

Таянч сўзлар: тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни, тадбиркорлик фаоллиги, иқтисодий дастак, қўлланиладиган ва истеъмол қилинадиган инсоний ресурслар, иқтисодий нафлилик меъёри, фаолиятнинг сифат даражаси, ижтимоий нуфуз, омилли баҳолаш, эконометрик тадқиқ.

Тадқиқот объектлари: Республика, шу жумладан, Навоий вилоятидаги кичик бизнес субъектлари фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Ишнинг мақсади: кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражасини аниқлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: тадқиқот жараёнида тарихийлик, тизимли таҳлил, анкета-сўровнома, иқтисодий-статистика, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил ва эконометрика усулларида фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг қонуниятлари ва ўзига хос тизимли хусусиятлари аниқланган. Тадбиркорлик фаоллиги иқтисодий категория сифатида илк маротаба илмий-назарий жиҳатдан асосланган, тадбиркорлик фаоллигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Кичик бизнес ривожланишининг йўналишлари эконометрик ва социологик таҳлил асосида аниқланган. Кичик бизнес субъектлари тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: диссертация иши натижаларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга бағишланган истиқболли, мақсадли дастурлар ва концепцияларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари амалиётда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан қабул қилинган. Диссертация материаллари олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Навоий вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси, олий ўқув юртлари.

Р Е З Ю М Е

диссертации Мурадовой Нодиры Куллиевны на тему: «Направления повышения предпринимательской активности субъектов малого бизнеса», представленной на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.01. – «Экономическая теория»

Ключевые слова: экономическое содержание предпринимательства, предпринимательская активность, экономический рычаг, использование и потребление человеческих ресурсов, меры экономической полезности, качественный уровень деятельности, социальный статус, факторная оценка, эконометрическое исследование.

Объекты исследования: Проблемы, связанные с повышением активности субъектов малого бизнеса Республики, в том числе Навоийской области.

Цель работы: Разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на определение уровня предпринимательской активности и повышения эффективности субъектов малого бизнеса.

Методы исследования: в процессе исследования были использованы методы историчности, системного анализа, анкетного опроса, экономико-статистический, группирования, сравнительного анализа и эконометрики.

Полученные результаты и их новизна: Определены закономерности и своеобразные особенности развития малого бизнеса в Узбекистане. Впервые активность предпринимательства с научно-теоретической точки зрения был обоснован в качестве экономической категории, разработаны критерии оценки предпринимательской активности и система его показателей. Были определены направления развития малого бизнеса согласно эконометрическому и социологическому анализу. Были разработаны приоритетные направления повышения предпринимательской активности субъектов малого бизнеса.

Практическое значение: результаты диссертационной работы можно использовать в разработке перспективных, целевых программ и концепций, посвященных развитию и повышению эффективности деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства.

Уровень применения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты для практического применения Государственным комитетом Демонополизации Республики Узбекистан, конкуренции и поддержки предпринимательства, Торгово-промышленной палатой Республики Узбекистан. Материалы диссертации используются в преподавании курса «Экономическая теория» в высших учебных заведениях.

Сферы применения: государственный комитет Демонополизации, конкуренции и поддержки предпринимательства Республики Узбекистан, Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан, главное управление экономики Навоийской области, высшие учебные задания.

RESUME

**Thesis of Murodova Nodira Kullievna on the scientific degree
competition of the candidate of economic sciences on the theme
“Directions of increasing business activities of individual small business”
specialty 08.00.01-“Economic theory”**

Key words: Economic content of entrepreneurship, business activity, economic mechanism, applied human resources, measure of economic utility, qualitative level of activity, social status, factorial estimation, econometric research.

Subject of the inquiry: the problems related to raising subject activity of small business in the country including Navoi region.

Aim of the inquiry: elaboration of scientific proposals and practical recommendations aimed at assessing the level of entrepreneurial activity and raising the efficiency of small business subjects.

Methods of inquiry: in the course of studies the following methods were used: historical, system analysis, questionnaire, economic and statistical, grouping comparative analysis and econometric.

The results achieved and their novelty: the patterns and unusual system features of the development of small business in Uzbekistan were defined. The economic activity of entrepreneurship as a category from scientific and theoretical point of view was the first substantiated, the criteria for evaluation of entrepreneurial activity and the system of indicators were worked out. The guidelines for developing small business according to econometric and sociological analysis were determined. The system priority trends of raising entrepreneurial activity of small business subjects were elaborated.

Practical value: the results of research can be used when elaborating prospective, purposeful programs and conceptions aimed at developing and raising the efficiency of small business and private entrepreneurship.

Degree of embed and economic effectivity: the results of researches were adopted for practical use by the State Committee on Demonopolization, competition and support of the republic of Uzbekistan, Chamber of Industry and Commerce of the republic of Uzbekistan. The materials of the dissertation are used in the teaching of the subject: “Theory of economy” at the institutes of higher learning.

Sphere of usage: the State Committee on Demonopolization, competition and support of entrepreneurship in the republic of Uzbekistan, Chamber of Industry and Commerce of the republic of Uzbekistan, the Chief Board for economy of Navoi region, the institutes of higher learning.

Тадқиқотчи:

Áîñèøãà ðóðñàò ýòèëè 29.05.2008. Щàæì 1,0 áîñìà òàáî=
Áè÷è 60ð84 1/16. Àääè 100 íóñðà. Áóððòà 184.
Ì.Óèó\áàè ììèääè Ыçáàèèñòíì ìèèèé Óíèáðñèòàðè
И=тисодиёт факультети кичик áîñìàðíàñèà ÷îò ýòèëè.

